

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎҚИТИШ МУАММОСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Қунназаров Илесбай Сарсенбаевич

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика
институтини мустақил изланувчиси, Ўзбекистон, Нукус.*

Аннотация: Мақолада ишлаб чиқаришдаги рақобатбардош ва салоҳиятли кадрларни тайёрлашга боғлиқ бўлган республикамизда олий ва профессионал таълимнинг сифатини ошириш, ёшларни меҳнат бозорининг талаблари юқори бўлган касбларга ўргатиш ҳамда таълим соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш муаммоларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида.

Калит сўзлар: Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, ўқув дастурлари, классификатор, касб-ҳунар мактаби, мультимедияли электрон таълим ресурслари, билим, кўникма, малака, касбий компетенция.

Бугунги глобаллашув даврида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий, йўналишларда амалга оширилаётган реформалар илм-фан, техника ва технологияларни ривожлантиришда узлуксиз таълим тизимини, жумладан, профессионал таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида илғор педагогик ва ахборот воситаларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожатномасида “Таълим сифатини ошириш - Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю-ягона тўғри йўлидир” ва “Нажот - таълимда, нажот - тарбияда, нажот - билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади” [2],- деб таъкидлаган эди. Бу таълим соҳасида самарали ишларни амалга оширишда юксак вазифаларни юклайди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш ишлаб чиқаришдаги рақобатбардош ва салоҳиятли кадрларни тайёрлашга боғлиқ бўлиб республикамизда олий ва профессионал таълимнинг сифатини ошириш, ёшларни меҳнат бозорининг талаблари юқори бўлган касбларга ўргатиш ҳамда таълим соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш каби бугунги куннинг устувор талаблари этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурлари таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасалари кадрларнинг талабгорлари иштирокида Таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасалари кадрларнинг талабгорлари иштирокида касбий стандартлар асосида тайёрланади ҳамда ишлаб чиқилади [1; 16].

Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасаларининг ваколатларига юклатилади. Таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасалари кадрларининг буюртмачилари асосида давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини тайёрлайди. Давлат таълим стандартлари асосан касбий стандартлар негизида ишлаб чиқилади. Умумий ўрта, профессионал ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3], 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги фармонлари [4], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори [5] профессионал таълимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, таълим-тарбия тизимини компьютерлаштириш ва

ахборот технологияларидан самарадорли фойдаланишни кенг такомиллаштиришга боғлиқ масалаларни ечишда муҳим омил ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча юқорида келтирилган масалаларлар профессионал таълим тизимларида ўқитиладиган “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг ҳозирги кундаги йўналишларини белгилашда дастуриламал сифатида хизмат қилади. Чунки бугунги кунда профессионал таълим соҳасида сифатли электрон таълим ресурслари (ЭТР)ни яратиш асосан таълимни ахборотлаштиришни тақоза этмоқда. Электрон таълим маҳсулотларининг “эволюцияси”га эътибор қаратиладиган бўлса, ҳозирги вақтда график матн ўрнини юқори интерактив, мультимедиага бой ЭТР эгалламоқда. Бу бошланғич профессионал таълим тизимида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали электрон таълим ресурслари (МЭТР) яратиш, таснифлаш ва ўқувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумларда ўқувчиларни туғилиб ўсган диёрига муҳаббат, миллий ғурур ва бунёдкорлик ғояларига садоқат руҳида улғайтириш, уларни танлаган касби бўйича моҳир кичик мутахассислар этиб етиштириш жараёни самарадорлигини таъминлайдиган педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, таълим ва тарбия жараёнини рақамлаштириш, машғулотлар учун МЭТРни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш тизимини йўлга қўйиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда, касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумларда ўқувчиларининг ҳаётий фаолиятида ўз ўрнини топиши, жамиятда фаол иштирок этиши, чин-дилдан Ватан равнақи учун хизмат қилиши ҳамда рақобатбардош кадр этиб тайёрлашда информатика ва ахборот технологиялари фанидан машғулот олиб боровчи малакали мутахассисларнинг ўрни бекиёсдир.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳозалар асосан профессионал таълим муассасалари (касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумлар)да

Ўтиладиган информатика ва ахборот технологиялари фанининг ҳозирги кундаги ва келгусидаги мазмунини, мақсад ва тамойилларини аниқлаб олиш устувор вазифа ҳисобланади. Чунки, информатика ва ахборот технологиялари фанининг мақсади, мазмун-моҳияти ва стратегик режаларига кўра барча аниқ, умумкасбий ва махсус фанлардан ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва касбий компетенцияларни бирлаштириб, умумлашган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнига жорий этишни назарда тутувчи ўқув предметини шакллантириш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан олганда информатика ва ахборот технологиялари фани назария ва амалиётнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминловчи, ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма, малака ва касбий компетенцияларини келгуси касбий фаолиятида қўллай олишларига имкон яратиши зарур. Бу эса информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш ва информатика ва ахборот технологиялари фанининг сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсададики, информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича кадрларни тайёрлаш, профессионал таълим тизимини ривожлантириш ва унда таҳсил олувчи ўқувчиларни ўзлаштириш самарадорлиги оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, айнан профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий компетенцияларини МЭТР воситасида ривожлантириш муаммоси тадқиқ этилмаган.

Профессионал таълим муассасалари ўқувчилари информатика ва ахборот технологиялари фанини ўрганиш жараёнида уларда медиа манбалардан саҳосига оид керакли материалларни топиш, саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, уни самарали қўлланиш ва ахборотлардан фойдаланиш маданиятга эга бўлиш кўникмалари шаклланиши лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб касб-ҳунар мактаб ўқувчилари информатика ва ахборот технологиялари фанини ўрганиш натижасида уларда шаклланиши лозим бўлган кўникмаларни ҳосил қилишда ўқитувчи назария билан амалиётнинг бирлигини таъминлаш йўллари билиши, ўқувчиларнинг касбий компетенцияларини МЭТР воситасида ривожлантиришда профессионал таълимнинг классификатори, малака талаблари, информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича ўқувчилар ўзлаштириш керак бўлган билим ва кўникмалар тизими ва унда ўқитувчининг вазифалари аниқ баён этилган бўлиши шарт бўлади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни // Тошкент: ЎРҚ-637-сон, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.